



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2021
1/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сағдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2021

МУНДАРИЖА

Тарих

| | |
|---|----|
| Вайсова Н. Некоторые новые аспекты в изучении Согдийской колонизации Великого Шелкового пути..... | 4 |
| Джураева С. Сурхондарёдаги Хонжица зиёратгоҳлари..... | 7 |
| Кличев О. “Таржимон” газетаси саҳифаларида Манғит хонадони вакиллари Россия империясига ташрифларининг ёритилиши..... | 11 |
| Мамажонов Д. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши жараёнининг зиддиятли жиҳатлари..... | 15 |
| Матяқубов Х. Суюрлитепа ўтмиш тарихимизнинг ноёб ёдгорлиги | 20 |
| Содиқов Ф. Хива хонлиги ва Бухоро амирлигида маҳаллий ҳокимият тузилиши..... | 27 |
| Shukurov R. Buxoro amirligi tarixi zamonaviy tarixshunoslik tadqiqotlari kontekstida..... | 31 |

Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология

| | |
|---|-----|
| Алимардонов Т., Абдурахманова Н. Амир Темурнинг сиёсий фалсафаси..... | 36 |
| Алимардонова Р. Ўзбек оилаларида ёш келин-куёв психологик кийфасини ифодаловчи хулқ-атворнинг эмпирик кўрсаткичлари..... | 41 |
| Арзиқулов Д. Спорт-педагогик фаолият қобилиятлари ривожланиши жараёнидаги ижтимоий-психологик тўсиқларнинг роли ва аҳамияти..... | 46 |
| Ahmedov J. Hokimiyat legitimligi turlari va ularning ijtimoiy-siyosiy mohiyati..... | 51 |
| Ахмедова Д. Ўзбекистонда меҳнат миграциясининг тартибга солиниши: назарий ёндашув ва амалий ечимлар..... | 54 |
| Bekchanova Sh. Xorijiy oliy ta'lim muassasalari individual ta'lim va uning qo'llanilishi..... | 57 |
| Ботиров Б. Ислом ҳуқуқида инсон ҳуқуқлари, мажбуриятлари тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари..... | 61 |
| Буранова Д. Мутахассислик фанини инглиз тилида ўқитиш кадрлар тайёрлаш сиёсатининг муҳим жиҳати сифатида..... | 66 |
| Далимова Н. Ҳаёт модели ижтимоий психологиянинг тадқиқот муаммоси сифатида..... | 71 |
| Журабоев А. Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарсларини инновацион педагогик технологиялар асосида ташкил этиш..... | 74 |
| Жураева М. Роль Центральной Азии в мировом пространстве экономических отношений..... | 77 |
| Заретдинова Н. Ижтимоийлашув ва касб танлови ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг социологик ёндашув асосида ўрганилиши..... | 80 |
| Исматова М. “Oilaviy” телеканалда оила парадигмаси..... | 83 |
| Кўйлиев Т., Сапаров Б. Экологик муаммоларнинг моҳиятини англашда маънавиятнинг ўрни..... | 87 |
| Махамматов А., Омонов Х. Формирование музыкального восприятия школьников..... | 91 |
| Muminov X. Oliy texnik ta'limda masofaviy ta'lim orqali imkoniyati cheklangan talabalarning ko'nikma va malakalarini shakllantirish metodikasi..... | 95 |
| Назаров Н. Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликларида эл бирлигини таъминлаш масалалари..... | 98 |
| Норов Т. Навоий онтологик фалсафасида самовот ва замон талқини..... | 102 |
| Саидов С. Замонавий халқаро муносабатлар тизимида сиёсий интеграция моделлари..... | 106 |
| Саидова Б. Ўрта Осиёнинг қадимги замон аёллар мактаблари..... | 110 |
| Саидрасулова М., Абдусаттаров Э. Раҳбар кадрларни тайёрлашнинг замонавий талаблари..... | 113 |
| Содиқова Ш., Хусанова Х. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялашда ўзаро кўмак омилнинг тарихий аҳамияти..... | 115 |
| Тоҳирён А. Тарихий хотиранинг шаклланиш механизмидаги педагогик омиллар..... | 119 |
| Тургунова Н. Ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг замонавий тенденциялари..... | 123 |
| Файзиёв Ш. Ёшларда китобхонлик маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари..... | 127 |
| Fauziyeva O. Students sports as a factor for training athletes of higher achievements..... | 130 |
| Файзиёва Ф. Социологик тадқиқотлар самарадорлигини оширишда социологик маданиятнинг аҳамияти..... | 137 |
| Khaitmurodova N. Strength training in physical education of students..... | 141 |
| Хайтов А. Жисмоний имконияти чекланган ўсмирларда норасолик комплекси психодиагностикаси ва психокоррекцияси..... | 147 |
| Хайдаров И. Ички ишлар органлари ходимларини жисмоний тайёргарлигини психологик хусусиятлари..... | 152 |
| Хайдарова А. Замонавий жамият ривожланишида virtual reallik texnologiyalarining qo'llanilish samaradorligi..... | 155 |
| Юнусова М. Жамият ривожланишининг янги босқичида оила институтини мустаҳкамлашнинг илмий-назарий асослари..... | 159 |

Филология

| | |
|---|-----|
| Abdurahmanova S. O'zbek kompyuter lingvistikasi va avtomatik tahrir dasturini yaratish tamoyillari..... | 163 |
| Акбаров Ш. Мифонимы: демон, ангел, муза в лирике М.Ю.Лермонтова..... | 165 |
| Аметова У. Адабий анъана ва ижодий ўзига хошлик..... | 168 |
| Ahmadjonova M. “Devonu lug'otit-turk” asari Ramiz Asqar nigohida..... | 171 |
| Баходиров Ж. Ўзбек ва инглиз тилларидаги ижтимоий рекламаларнинг лингвистик ва стилистик (услубий) хусусияти..... | 176 |
| Буриева У. Тўлиқсиз гапларни ажратишнинг асосий омиллари..... | 179 |
| Гизатуллина С. Творческий путь А. Н. Толстого как сатирика..... | 182 |
| Джафарова Д. Француз ва ўзбек тилларида “тарихий хотира” ни акс эттирувчи архаик фразеологик бирликлар..... | 185 |
| Ёдгоров Ж. Ономастик сўз: фонографик восита ва лингвопоэтик макон..... | 189 |
| Жабборова А. Фразеологик бирликлар шаклланишининг антропопрагматик (шахс) омиллари..... | 192 |
| Жўрабоева Г. Ўрта аср манбаларида Фарғона водийси топонимлари тадқиқига доир..... | 195 |
| Ibragimov J. “Qutadg'u bilig” istioralari tarjimalarining qiyosiy tahlili (o'zbek, rus va ingliz tillari misolida)..... | 199 |
| Исламов Ў. Нутқ маданиятининг илмий муаммолари..... | 203 |
| Каримова М. Тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги ва афоризмлар тадқиқи..... | 206 |
| Ким Т. Технологии развития письменной речи (на примере корейского языка)..... | 209 |
| Курбонова Г. Ономастик бирликлар ва фразеологизмларнинг миллийликни акс эттириш хусусияти..... | 212 |
| Mavlonova O'. Kinoya yoxud istehzo turlari..... | 216 |
| Муминова З. «Ҳадийкот ул-арифин»да дидактик ғоялар ва уларнинг манбалари..... | 219 |



УДК:93/94:327(470+575.1/4)(043.3)

Ойбек КЛИЧЕВ,

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

Бухоро давлат университети докторанти

E-mail: klichev_oybek@mail.ru

“ТАРЖИМОН” ГАЗЕТАСИ САҲИФАЛАРИДА МАНҒИТ ХОНАДОНИ ВАКИЛЛАРИ РОССИЯ ИМПЕРИЯСИГА ТАШРИФЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Аннотация

Бухоро амирларининг Санкт-Петербург, Москва, Боғчасарой ва Қрим худудларига, Тифлис, Пятигорск, Боку каби шаҳарлардаги ташрифлари билан боғлиқ масалалар архив ҳужжатлари билан бир қаторда даврий матбуот нашрларида ҳам ёритилган. Бу турдаги манбаларда ушбу тадбир билан боғлиқ масалалар ижтимоий ёндашув асосида ёритилиши билан характерлидир. Россия империясининг марказий ҳамда худудлардаги маҳаллий нашрлар маълумотлари ўзига хосдир. Мазкур изланиш империянинг маҳаллий наشري ҳисобланган “Таржимон” газетасида манғит хонадони вакиллари ташриф тафсилотлари хусусида қандай маълумотлар ўрин эгаллашининг тадқиқига бағишланади. Газетадаги мақола ва хабарларнинг худудий мансублик хусусиятидан келиб чиқиб гуруҳларга ажратган ҳолда тадқиқ этиш ҳам амалга оширилди.

Калит сўзлар: Қрим, ташриф, Амир Абдулахад, “Таржимон”, Ялтадаги сарой, сув, Накшбандия тариқати, Боғчасарой, И.Гаспринский, Боку.

ОСВЕЩЕНИЕ НА СТАРИЦАХ ГАЗЕТЫ “ТАРЖИМОН” ВИЗИТОВ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ МАНҒИТСКОЙ ДИНАСТИИ В РОССИЙСКУЮ ИМПЕРИЮ

Аннотация

Вопросы, связанные с визитом Бухарских эмиров в Санкт-Петербург, Москву, Бахчисарай и на территорию Крыма, в такие города как Тбилиси, Пятигорск, Баку наряду с архивными документами, также освещались и в периодических изданиях. Характерно, что в источниках подобного рода вопросы, связанные с данными мероприятиями, освещались в социальном аспекте. Сведения центральных, а также местных изданий Российской империи очень своеобразны. Данное исследование посвящено изучению следующего вопроса, какие сведения о подробностях визитов представителей мангытского двора имели место на страницах газеты «Таржимон» («Переводчик»), являющейся одним из местных изданий империи. Также в процессе изучения было осуществлено следующее, исходя из территориальной принадлежности, статьи и новости из газеты были разделены на группы.

Ключевые слова: Крым, визит, Эмир Абдулахад, «Таржимон», дворец в Ялте, вода, тариқат Накшбандия, Бахчисарай, И. Гаспринский, Баку.

THE CLARIFICATION OF VISITS OF THE REPRESENTATIVES OF MANGHIT DYNASTY TO RUSSIAN EMPIRE IN THE PAGES OF THE NEWSPAPER “TARJIMAN”

Abstract

The issues related to the visits of the emirs of Bukhara to St Petersburg, Moscow, Bakhchisaray and Crimea, Tbilisi, Pyatigorsk, Baku as well as archival documents are covered in periodicals. This type of source is characterized by the coverage of issues related to this event on the basis of social approach. The data of local publications in the central and regions of the Russian empire are unique in their essence. This study is devoted to the study of the details of the visit of the representatives of the Manghit dynasty in the newspaper “Tarjimon”, the local edition of the empire. The study was also conducted in groups based on the peculiarities of regional affiliation of articles and reports in the newspaper.

Keywords: Crimea, visit, Emir Abdulakhad, “Tarjiman”, palace in Yalta, water, the tariqat of Naqshbandiyya, Bakhchisaray, I.Gasprinsky, Baku.

Кириш. “Таржимон-Переводчик” – Боғчасаройда татар маърифатпарвари И.Гаспринский томонидан кирилл ва араб имлосида рус ва татар тилларида чоп этилган газета. Унда Россия империяси ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида содир бўлган воқеалар билан бирга Қрим худудида амалга оширилган муҳим ижтимоий-маданий тадбирлар тўғрисида мақола ва ахборотлар эълон қилиб борилган. Мақолалар орасида Туркистон генерал-губернаторлиги, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ҳаётига оид хабарларни ҳам учратиш мумкин.

Манғитлар сулоласининг сўнгги вакиллари Амир Абдулахад ҳамда Олимхоннинг Россия империясига ташриф йўналишлари тўғрисидаги хабарлар Тошкент, Боғчасарой, Симферополь, Севостополь, Ялта, Боку ҳамда империя маркази Москва, Санкт-Петербург шаҳарларида чоп этилган газеталарда эълон қилиб борилган.

Газеталарда амирларнинг империя шаҳарларига ташрифи умумий маълумотлар ва қисқа хабарлардан иборат эди.

Газетадаги маълумотларни тадқиқ этиш усули:

Амир Абдулахад ва Олимхонларнинг империя худудига ташрифларига доир хабарлар “Таржимон” газетасида ҳам чоп этилган. Уларни тадқиқ этиш жараёнида мақола ва хабарларнинг худудий мансублик хусусиятидан келиб чиқиб қуйидаги гуруҳларга ажратилди.

Биринчи гуруҳ. Бухоро амирларининг Санкт-Петербургга амалга оширган сафарлари хусусидаги мақолалар.

Иккинчи гуруҳ. Боғчасарой ва Қрим худудларига амирларнинг ташрифларига доир хабарлар

Учинчи гуруҳ. Тифлис, Пятигорск, Боку шаҳарларида амирларни кутиб олинишига тегишли маълумотлар.

Таҳлил ва натижалар. Газета саҳифаларида Амир Абдулахаднинг 1893, 1896, 1898, 1902, 1910 йиллардаги, Амир Олимхоннинг 1911, 1913 йилларда Россия императори қабулидаги ташрифларига доир маълумотлар ўрин эгаллаган. Ушбу хабарларнинг аксарияти империянинг марказий нашрларига таяниб баён этилади. Амир Абдулахаднинг империя ҳудудига дастлаб, 1893 йилги ташрифига доир хабарлар газетанинг бош саҳифасида жойлаштирилган. Бу, ташриф ва унинг аҳамиятидан келиб чиқилган эди.

Ташрифолди хабарларда Бухоро ва унинг тарихи, қолаверса Россия империяси билан олиб бораётган муносабати ёритилади. Бу орқали газета мутасаддилари амир ташрифларининг империядаги мусулмон аҳоли вакиллари ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатишга интиланлигини кузатиш мумкин. Буни куйидаги жумлалар тасдиқлайди.

"Бухоро бизнинг мусулмон муштарийларимизда диний илм, фан ва маърифатнинг йирик маркази сифатида, Россия билан яқин муносабатда бўлган ва ниҳоят россиялик мусулмонларнинг кўпчилиги савдосотиқ қиладиган бозор сифатида катта қизиқиш уйғотади[1]".

Ёки:

"Ўтган йили биз муштарийларимизни қардош Бухоронинг тарихи ва географияси билан таништирган эдик. Мир Абдулахаднинг юксак шахсияти ҳақида бир неча маротаба хабар берганмиз. Хукмдоримиз ҳурматли меҳмонининг Россия сафарига омад ёр бўлишини тилаймиз. Махсус поезд билан амир Узун-Ота шахрига ташриф буюради. У ердан икки ҳарбий пароходда Бокуга йўл олади. Батумда жаноби олийлари пароходга ўтириб Одесса ва Киев, Санкт-Петербургга йўл олади"[2].

Бухоро амирининг илк ташриф тафсилотлари газетада чоп этилган "Сафарномаи ҳазрати амир" - "Путешествие Бухарского эмира" сарлавҳали туркум мақолаларда баён этилади[3]. Газета ўз муштарийларига 1892 йилнинг 7 декабридан 1893 йилнинг 19 февралига қадар бўлган амир сафари ҳақидаги маълумотларни тақдим этади. Уларда Амир Абдулахаднинг Бухоро шахридан бошланган сафари Ашхобод-Боку-Тифлис-Ростов на Дону-Москва - Санкт-Петербург - Москва, Боғчасарой - Севастополь - Батум-Тифлис-Боку шаҳарлари йўналишида амалга оширилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Газетанинг саккизта сониди ўрин эгаллаган ушбу маълумотларга таяниб, империя шаҳарларида амирни ҳудуд маъмурлари томонидан қандай тартибда кутиб олингани, қайси манзилларда жойлаштирилганлиги, маҳаллий аҳоли ва дин пешволарининг амирни қарши олиши ҳақида бирламчи тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Жумладан, сафар тафсилотларида амирни мусулмон диний пешволар Ростов на Дону ҳудудига кутиб олишганлиги ҳақида таъкидлаб ўтилади.

"25 декабр кечкурун амир Ростов на Донуга етиб келди. Амир учун темирйўл бекатидаги император хос хонаси ҳозирланди. Аммо тушишни ихтиёр этмаганидан сўнг кутиб олувчиларни ўз вағонида қабул қилди. Генерал-майор Поляковдан сўнг, Амир Охун Хожи Иззатулло Дивликомов мулла Муҳаммадзокир Бигеев, Муаззин Мусо Бигеев, Файзулло Утикеев, Мухамеджон Ячбаев ва Раҳматулло Паташевлардан иборат мусулмон вакиллари жамоасини қабул қилди. Мусулмон вакиллари вағонга кириши биланок, амир ўрнидан туриб шарқона одатга кўра қўшқўллаб кўришди. Охун Девликомов ҳурматли меҳмонни қисқа нутқ билан қутлади ва барча номидан амир сафари эсон-омонлик билан ўтишини ҳамда унга узок умр тилади " [4].

И.Гаспринский Амир Абдулахаднинг Санкт-Петербургга ташрифи ҳақида тақдим этган маълумотлари орасида император ва амир ўртасида совға алмашинуви хусусида алоҳида тўхталиб ўтади. Императорнинг амирга тақдим этган тортиқлари ҳақида "Таржимон" газетаси саҳифаларида куйидагилар баён этилган.

"Россияга олиб келинган қимматбахо ва чиройли совғаларга жавобан, Хукмдор император номидан Жаноби олийларига куйидагилар тақдим этилди: четлари олмос билан, ўртаси катта зумрад билан безатилган саллага кўйиладиган пат, қопқоғида олмос тошлар билан император Александр III исмининг бош ҳарфлари туширилган, рус зарғари Иванов томонидан олтиндан тайёрланган сандиқча, ранг-баранг сир билан қопланган, дастурхон тўшашга мўлжалланган кичик кумуш стол, унинг ўртасида икки бошли оқ бургут, столнинг оёқлари эскича рус услубида грифон шаклида ишланган, қимиз учун қуйма чўмич ҳамда сирланган кумуш патнис, давлат герби акси туширилиб, кандакорлик услубида тайёрланган буюмлар жамланмаси ва бир гуруҳ бошқа буюмлар"[5].

Ушбу маълумотлар давлатлараро совға алмашинувида тақдим этувчи ёки қабул қилувчи томонларнинг миллий менталитети инобатга олинганлигини кўрсатади. Буни юқори даражада тайёрланган шарқона ҳунармандчилик намуналарининг императорга, европача турмуш тарзида қўлланиладиган буюмларнинг эса амирга совға қилинганлигидан билса бўлади.

Шу ўринда "Таржимон" газетасида Амир Абдулахаднинг Россия империясига ташрифи баён этилган кундалигининг айрим қисмлари бевосита амир руҳсати билан чоп этилганлигини эслатиш жоиз. Кундалик матни 1894 йили И.Гаспринский томонидан рус тилига таржима қилинган эди[6]. Бундан ташқари асардан айрим парчалар газетанинг 1895 йилдаги иккита сониди "Таҳрири рўзномаи сафари ҳазрат асари амир Абдулахадхон - Дневник Бухарского эмира" сарлавҳаси остида чоп этилган[7]. Кундалиқдан олинган парчаларда Бухоро амирининг факатгина Санкт-Петербургдаги император қабули ҳамда Боғчасарой ва Тифлис шаҳарларидаги ташриф тафсилотлари ўрин эгаллаган.

Газетадаги Бухоро амирининг Боғчасаройга амалга оширган илк ташрифига доир куйидаги маълумотлар ҳам аҳамиятлидир. Уларда амирни юксак эҳтиром ва маҳаллий одатлар билан қарши олинганлиги баён этилади.

"6 феврал кундузи соат иккида Бухоро амири Жаноби олийлари Боғчасарой шахрига ташриф буюрди. Ҳурматли меҳмоннинг ташрифи даврида ёқимли баҳорий илик ҳаво ҳукмрон эди. Темирйўл вокзали ҳамда бозор кўчаси ҳашаматли тарзда яшиллик ва байроқлар билан безатилган эди. Узун кўчанинг икки четиди кўплаб одамлар тўпланганди. Шу билан бирга Қрим-татар эскадрасининг пиёда қўшини саф тортиб турарди. Мусулмон аҳоли вакиллари томонидан 1858 йил 17 октябрь санасида барпо этилган Шоҳ фаввораси чиройли безатилган эди".

Ҳамда:

"Шоҳ фаввораси яқинидаги шаҳар дарвозаси олдида оломон тўпланган эди. Жаноби амир фойтундан тушди ва шарофатли Монарх фонтани ёнида турган муҳтарам ҳожилардан бир финжон биллурдай тиниқ боғчасарой сувини қабул қилди"[8].

Бу маълумотлар орқали империя маъмурлари Россиянинг бошқа ҳудудларида амирни асосан нон ва туз билан кутиб олган бўлсалар, Боғчасаройда эса уни сув билан қарши олганликларини билиб оламиз. Зеро, сув доимо поклик ҳамда фаровонлик рамзидир. Шунингдек, газетада Бухоро амири Боғчасаройда нақшбандия

тариқати вакиллари билан ҳам учрашиб уларга тортиқлар тақдим этганлиги хусусидаги маълумотлар ҳам мавжуд. Буни куйидаги жумлалар тасдиқлайди.

"Эшитишимизча, Бухорода ҳурмат қозонган Нақшбандия тариқати вакилларининг Боғчасаройда борлигини билган амир ушбу таке шайхи Ҳожи Мурадхосил афандига байрам кунлари кийиш учун атлас тўн ва оқ саллани совға тариқасида тақдим этди"[9].

Амир Ялтага Симферополь, Боғчасарой ва Севастополь орқали етиб борган. Бу ташрифларда "Таржимон" газетасининг муҳаррири И.Гаспринский унга ҳамроҳлик қилган. Шунинг учун ҳам амирнинг мазкур шаҳардаги ташриф тафсилотлари ушбу газетада атрофлича ёритилади. Мақолалар асосан хабар шаклида берилиб, улардан амирнинг шаҳарга ташриф саналарини, уни кутиб олган маҳаллий маъмурлар, уларга тақдим этилган Бухоро орден, медаллари хусусидаги куйидаги маълумотларга эга бўлиш мумкин.

"Симферополь темирйўл вокзалида Жаноби олийларини Таврическ вице-губернатори Истинский, шаҳар бошлиги Меркулов, земство бошқармаси бошқарувчиси Счастливцев, полицеймстр Кузменко ва кўплаб амалдор ва шаҳар аҳолиси кутиб олишди. Газетамиз муҳаррири амир билан учрашиш учун Симферопольга борди ва поездда Боғчасаройга қайтиб келди".

Ёки:

"Боғчасаройда Жаноби олийлари мансабдор шахслар ва шаҳар аҳолиси билан учрашиш мақсадида ўз мулозимлари билан Хон саройига ташриф буюрди. Амир буюмлари, ғазнаси ва бир қисм аёёнлари Севастопольга у ердан эса Ялтага қараб йўл олдилар. Боғчасаройда бир кун бўлиб тунни саройда ўтказишди"[10].

Бухоро амирининг Қрим-Ялта ташрифлари ҳам "Таржимон" газетасида чоп этилган. Газета хабарларидан Амир Абдулахад ва унинг ҳамроҳлари учун Ялтада дала ҳовлилар ажратилганлигини билиш мумкин. Жумладан, 1893 йилда Барон Врангел, 1898 йилда Қочубей[11], 1899-1900 йилда Безобразов[12] дала ҳовлилари амир ихтиёрида бўлган. Ялтага ҳар йилги ташриф амир учун бу ерда ўз саройини куриш эҳтиёжини келтириб чиқарди. "Таржимон" газетасининг 1903 йил сентябрь сониди Бухоро амирининг Ялтада сарой курилиши учун ер майдони сотиб олганлиги ҳақида куйидаги хабар жойлаштирилган.

"Ялта шаҳрида жойлашган княз Чингизга тегишли 2121 ярим кв саржин ер майдонини 136,500 рубл миқдориди сотиб олиш тўғрисида Бухоро амира номидан вакил жаноб Стротонович иштирокида имзоланган олди сотди ҳужжати катта нотариус томонидан тасдиқланди. Ишончнома ва олди сотди шартномасида олий харидор "Бухоройи шариф амира" деб ёзилган. Битим подшоҳ ҳазратларининг марҳаматлари билан тузилди"[13].

Ушбу маълумот амир томонидан Ялта ҳудудида олинган ер майдони нотариус иштирокида расман сотиб олинганлигини аниқлатади.

Тифлис, Пятигорск, Боку шаҳарларида амирни кутиб олиниши масалаларига тегишли маълумотлар ҳам И.Гаспринский эътиборидан четда қолмаган. Ушбу масалага тегишли дастлабки хабарлар амирнинг Қрим ва

Кавказга келиш йўналишидан хабардор этиш характерига эга бўлган.

"Жаноби олийлари 21 июнь санасида Чоржўйдан чиқиб, Петровск орқали Пятигорскга йўл олди, ўйлашимизча, у ерда бир ой яшайди. Пятигорскдан темирйўл орқали Севастопольга, фойтунда Ялтага, у ердан йигирма кун турганидан сўнг куруқлик йўли билан Владикавказ ва Тифлисга ўтади, сўнгра Боку орқали Бухорога қайтиб келади"[15].

Бу каби хабарларнинг даврий нашрларда берилиши биринчи навбатда, ҳудуд маъмурларига мартабали меҳмонни кутиб олиш тадбирларини ташкиллаштириш зарурлигини, иккинчидан, амир билан учрашиш ниятида бўлган маҳаллий аҳоли вакилларини хабардор этиш мақсадида амалга оширилган. Маълумотлар амирнинг сафар йўналишидаги манзилларга қайси транспорт воситаси ёрдамида ҳаракатланганлигини ўрганиш имконини ҳам беради.

Пятигорск шаҳридаги минерал сувларда даволаниш амир Абдулахад учун одат тусига кирган эди. Боку шаҳрига ташриф амир учун анъанага айланади. "Таржимон" газетасида ҳам ушбу шаҳарда Бухоро ҳукмдорини кутиб олиш билан боғлиқ маълумотлар чоп этилган.

"Амир ташрифи муносабати билан Боку шаҳрининг асосий кўчалари тозаланиб, янги қурилган биноларнинг деворлари ёрқин рангларга бўялди. Эрталаб "Адмирал Карнилов" пароходида ташриф буюрган жаноби олийларини Боку порти бошлиги контр адмирал Берг ҳамда Боку вице губернатори Стат-маслаҳатчи Райченко, полицемстр Охисинский, Боку чегара кўшинлари алоҳида корпус бошлиги полковник Голман, шаҳар бошлиги ўрнида бошқарма бошлиги капитан Сафар Алиев ва бошқалар кутиб олдилар. Шундан сўнг Жаноби олийлари юқорида айтиб ўтилган шахслар ҳамроҳлигида гилам тўшалган ва байроқлар билан безатилган пристан бўйлаб фойтунга томон йўл олди"[15]. Мазкур хабарлар Бухоро амирининг ҳар бир тўхташ манзилида юқори даражадаги ҳурмат ва дипломатик этикет қоидаларига риоя этган ҳолда қарши олинганлигини аниқлатади.

Хулоса. "Таржимон" газетасида ҳам Россия империясидаги бошқа газеталарига хос бўлган хусусият, яъни Санкт-Петербург, Москвада содир бўлган воқеа - ҳодисалар ҳақида марказий нашрларда берилган хабарларни ўз муштарийлари эътиборига ҳавола этиш мақсадида қайта босиш тажрибаси мавжуд бўлган. Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги элчилик алоқалари, амирларнинг расмий ташрифлари ҳам бундан мустасно эмас.

Россия империясидаги мусулмон аҳли вакиллари орасида кенг тарқалган "Таржимон" газетасида нафақат империя ҳудудига юборилган амир элчилари ва Бухоро амирларининг ташрифлари, балки амирликдаги иқтисодий, ижтимоий жараёнлар ҳамда Амир Музаффар, Амир Абдулахад ва Олимхонларнинг шахси, уларнинг давлат бошқарувида амалга оширган ўзгартириш ва янгиликлари, маданий жараёнлар, амирликдаги мансабдор шахсларнинг фаолияти ҳам ёритилганлигини кузатиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Эмир Сеид Абдул – Агат // Таржиман. 1892 год 31 июля, № 27.
2. Приезд Бухарского хана // Таржиман. 1892 год 16 декабря, № 45.
3. Путешествие Бухарского эмира // Таржиман. 1892 год 31 декабря; Путешествие Бухарского эмира // Таржиман. 1893 год 9, 18, 25, 31- января, 10, 18, 25-февраля, 4- марта №1-8.
4. Путешествие Бухарского эмира // Таржиман. 1893 год 9 января, №1.
5. Путешествие Бухарского эмира // Таржиман. 1893 год 31 января, №4.

6. Точный перевод Дневника его светлости Эмира Бухарского / Представляет И.Гаспиринский из Бахчисарая. - Казан: Типо-литография Императорского Университета, 1894.-83с.
7. Дневник Бухарского эмира // Таржиман. 1895 год 17, 24 сентября, № 35-36.
8. Путешествие Бухарского эмира // Таржиман. 1893 год 10 февраля, №5.
9. Бахчисарай // Таржиман. 1893 год 18 февраля, №6.
10. Приезд Бухарского эмира // Таржиман. 1896 год 16 июня, № 23.
11. Приезд Е.В. Эмира // Таржиман. 1898 год 21 июня, № 24.
12. Разные вести // Таржиман. 1899 год 24 июля, № 27. Его высочество эмир Бухары // Таржиман. 1900 год 14 июля, № 25.
13. Разные вести // Таржиман. 1903 год 34 сентября, № 34.
14. Внутренние новости // Таржиман. 1895 год 9 июля, № 25.
15. Кавказ // Таржиман. 1901 год 16 июня, № 22.